

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЧЕТ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Немис тили йўналиши
4-курс 14.56-гуруҳ битирувчиси
Охунжонова Одинахон Рўзихожи қизининг

**“5-9 – синфларда ўқиб тушуниш ва гапириш
кўникмаларини шакллантириш муаммолари”**
мавзусидаги

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Филология фанлари
номзоди , доцент М.Қаҳҳорова

Фарғона-2018

МУНДАРИЖА

Кириш.	4- 6
I.Методик адабиётларда бошланғич босқич ўқувчилари малакасининг таҳлили.....	7
1.1. Назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	7-18
1.2. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг чет тили дarsi ва улардагиназорат турлари.....	18 - 29
II. Умумий ўрта таълим мактабларининг немис тили дарсларида ўқиш ва гапириш кўникмаларини ривожлантириш.....	30
2.1.Ўқувчилар билимини назорат қилиш шакллари.....	30 -36
2.2. 5 – 6 синфларда чет тили ўқитишини ташкил қилиш.....	36 -39
2.3. 6-9-синф дарсликларида ўқишва гапиришга қаратилган машклар.....	39-53
IV.Хулоса.....	54-55
V.Адабиётлар.....	56-57

КИРИШ

Президентимизнинг кўсатмаларида асосий таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, жаҳоннинг илгор тажрибаларини қўллаб, илгаргидек ўқувчини фақат тингловчи сифатида эмас, қўйилаётган муамоларни мустақил ижодий фикрлар билан ўрганиши, таълим жараёнида унинг фаоллашувига асосий эътибор бериш, соҳасида кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бугунги кунда, замонавий дарс жараёнида, тарбияда, таълимда, ўқувчи асосий ҳаракалантирувчи куч, таълим жараёни субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш, ўрганиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак.

Ўқитувчи эса ўқишни ўргатишга билим беришдан ўқувчиларнинг билимларини мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур.

Биз малакавий ишимизга “5-9- синфларда ўқиб тушуниш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш муаммолари” мавзусини тадқиқот учунолиб, янги педагогик технологияда коммуникатив метод усулида ўқувчиларга билим бериш йўллари кўрсатиб бериш ва ўқиб тушуниш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш йўллари кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Чунки ўзбекмуаллифларининг янги дарсликларда янгича таълимни амалга ошириш, яъни илгаргидек фақат олинган билимни мустахкамлаш учунгина эмас, балки янги билим олиш уни ўзлаштириши, мустахкамлаш учун хизмат қилмоғи лозим ва ўзлаштирилган билимни назорат қилиш масаласи ҳам муҳимдир.

Республикаимизнинг Мустақилликка эришуви тарихда илм-фаннинг буюк алломаларини, узбек номини бутун дунёга танитган юртда ана шундай илм- маърифатнинг ривожига, таълим - тарбиянинг буюк келажаги давлат учун мустахкам пойдевор бўлишига имконлар яратди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим - тарбия, маънавий - маърифат ишлар давлатимизнинг сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Таълим - тарбия ишлари ҳар доим жамият ривожининг асосий омили бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу тарихдаги исбот талаб қилмайдиган

ходиса. Шу боис мамлакатимизда бу муҳим масалага катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада қилинётган ишлар, амалга оширилаётган ишлар кўлами бекиёс даражада кенгайиб, аниқ кўзланган мақсадларга эришилмоқда

Давримизнинг хорижий тиллар бўйича мутахассислари эса нафақат бир тилни, балки икки, уч хорижий тилни мукаммал билиши, шу тилларда ёзиши, шартномалар тузиш, интернет материалларидан унумли фойдаланиш, илм-фан атамаларини таржима қилишни билишлари талаб этилади. Юзаки, номигагина ўтирилаётган чет тили дарсларига чек қўйилиши лозим. Мустақил мамлакатимиз ривож учун хорижий тилларни мукаммал биладиган турли соҳа мутахассислари сув ва хаводек зарур.

Мавзунинг долзарблиги:“Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисидаги” қарордан келиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги давр мутахассисикамида икки хорижий тилни мукаммал билиши талаб қилинмоқда. Айниқса тилни эгаллаш жараёнида ўқиб тушуниш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш муҳим рол ўйнайди ва ўқитиш жараёни билан тенгма -тенг назорат қилиш шакллари хам такомиллаштириш талаб қилинмоқда, чункитилни эгаллашдаги натижаниназорат қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Мавзуни тадқиқ қилишнинг мақсад ва вазифалари: Шундай қилибушбу БМИ данемистилига ўқитишнинг“5-9- синфларда ўқиб тушуниш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш масалалариниўрганишнимаксад қилдик:

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқибушбу тадқиқотимиздақуйидаги аниқмасалаларни ечишни вазифа қилиб олдик:

- назорат турларини аниқлаш
- “5-9- синфларда ўқиб тушунишни шакллантириш
- “5-9- синфларда гапириш кўникмаларини шакллантириш

Мавзуни тадқиқ қилишда фойдаланилган услублар:Мавзуни тадқиқоти учун қиёсий тахлилий методдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг объекти:БМИ учун тил материаллари,Ассалом Deutsch немис тили дарсликлари,аутентик матнлар ва турли назорат шакллари ўрганилди ва мавжуд методик адабиётларда берилган материаллар қиёсланди.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотимиз учун немис тили дарсларининг 5-9- синфларда ўқиб тушуниш ва гапириш қўникмаларини шакллантириш ва уларни немис тилига ўқитишдаги аҳамияти асос қилиб олинди.

Ишнинг таркибий қисми.БМИ кириш, асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.Методик адабиётларда бошланғич босқич ўқувчилари малакасининг таҳлили

1.1. Назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилишдан кўзланган мақсад таълим мақсадларидан келиб чиқиши ва таълим – тарбиянинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилган ҳолда билим, кўникма ва малакаларни эгалланиш даражасини аниқлаш, ўзлаштиришдаги қийинчиликлардан огоҳ қилиш, ўқувчиларни билим олишга интилиш ва олган билимларини умумлаштириш учун хизмат қилмоғи керак. Ўқувчилар назорат қилишдан кўзланган мақсад таълим мақсадларидан келиб чиқиши ва улар билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Чет тил таълимдан кўзланган амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларининг қўлга киритиш даражасини ўрганиш назоратдан кўзланган асосий мақсад билимининг амалиётга таъсир килади.

Хар қандай назоратнинг таълимий характерга эга бўлиши ўқиш, ўрганиш жараёнининг мувоффақиятини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Шу билан бирга назорат диагностик характерга эга бўлиши керак. Бу ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини маълум мақомда тутиш, айрим ўзгартиришлар киритиш, таълим шарт – шароитларини ҳисобга олиш, ўқитишнинг компонентларига ва усулларига тузатишлар киритиш имконини беради.

Таълим натижасининг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда асос бўлади. Хатонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тузатиш мақсади кўзда тутилади. Ўқув фаолияти ўқувчи учун мураккаб, тушунарсиз, унинг қучига мос бўлмаган ҳолда хато келиб чиқиши мумкин. Демак, хато қийинчилик аломати, белгиси ҳисобланади. Хатоларни тузатиш, назорат жараёнининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш уларнинг шакилланганлик ва ўсиш даражасини аниқлаштириш ўзлаштириш жараёнининг содир бўлиш хусусиятларининг, ўқувчиларни билимларини

Ўзлаштиришларида учрайдиган қийинчиликларини аниқлаш, таълим усулларининг самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Таълим жараёнида назорат ўтказиш таълимнинг мақсади бўлиб қолмасдан, балки ўтказиш, ўлчатиш учун восита бўлиши лозим.

Нazorat таълим жараёнини ривожлантириш, кам самара берадиган усулларни самарадорлик билан алмаштириш, хатоларни тузатиш ва бартараф қилиш, тилни амалий билишни тезлаштириш, чет тил воситасида ўқувчиларни тарбиялаш имконини беради.

Нazorat қуйдаги функцияларни бажаради:

- Назорат – аниқлаш.
- Назорат – тўғрилаш.
- Назорат – оғохлантириш.
- Назорат – интиштириш.
- Назорат – умумлаштириш.

Нazoratнинг **аниқлаш** функциясига синф ўқувчиларининг янги материал, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга кўра кучли, ўртача ва кучсиз ўқувчиларга ажратиш, шу асосида ишлаш услубларини гуруҳга мослаш вазифаси киради. Бу ўринда ушбу синф ўқувчиларини фаолиятини доимий ва узоқ муддатли назорат қилиш натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

Бундай кузатишлар ўргатувчига аниқ материални ўзлаштириш даражасининг умумий манзарасини аниқлаш имконини беради.

Оғохлантирувчи – назорат ўқитувчига қандай материалга ўзлаштиришда алоҳида эътибор бериш кераклигини, ўқувчиларни назорат учун тайёрлик даражаларини материални билиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Интиштирувчи – назорат ишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ва ўтилган аниқ материални ўзлаштириб олганини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай назорат хусусий характерга эга.

Умумлаштирувчи назорат маълум мавзу, чорак, ярим йиллик, йиллик материални қамраб олади ва комплекс характерга эга бўлади.

Назорат қуйдаги умумпедагогик талабларга жавоб бериши лозим.

- Хар бир ўқувчининг фаолиятини бутун ўқув йили давомида доимий назорат қилиб бориш:
- Назоратнинг кўп қирралибўлиши (барча тил материаллари фонетик лексик, грамматик орфографик ва нутқ фаолиятининг барча турларига оид кўникма ва малакаларни назорат қилиш).
- Назорат ўтказишга дифференциал ёндашув, яъни тил материали, ўқувчиларнинг кучи, дарс босқичи ва бошқаларни ҳисобга олиши.
- Назоратнинг объективлиги, назорат мезонларининг мавжудлиги ва унга ўқитувчининг амал қилиши, ўқитувчининг барча ўқувчиларга бир хилда муносабатда бўлиши ўқитувчининг тақдирлаши, ўқувчининг ўзига ишончини кучайтириши, қийинчиликларни олдини олишни ўргатиш.
- Назоратнинг тарбиявийлиги.

Хар қандай назорат тарбиявий бўлиб ўқувчиларни билим олишга интиштириш, ахлокий, ҳуққ ва юриш – туришга ижобий таъсир қилиши лозим.

Чет тил дарсида назорат объекти кўникма ва малакалар ҳизмат қилиши лозим. Замонавий методика талабига мувофиқ назарий билимлар текширилмайди, балки гапириш, тинглаб тушунтириш ва ёзув кўникма ва малакалари текшириб борилади. Кўникмаларни текшириш пайитида лексик грамматик ва фонетик материални нутқ фаолияти турларида қўлланиш даражасида назорат қилинади.

Малакалар текширилганда эса нутқ фаолияти турларидан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш меъёри ўлчанади (Ж. Жалолов).

Нутқ малакаларини назорат қилиш шу турдаги фаолиятини назорат қилиш билан белгиланади. **Масалан:** Фикирни оғзаки баён қилиш гапириш ва гаплашиш малакаларининг ривожланиш даражаси билан, тинглаб тушиниш малакаларини назорати нутқнинг мазмунини тушиниш тўлиқлиги ва аниқлиги билан ўқиб тушинишни назорат қилиш матндан ахборотни ўқиб тушиниш даражаси билан белгиланади.

Фикирни баён қилишнинг сифат кўрсаткичи фикирнинг мавзу ва холалига мувофиқлиги мавзунинг ёритилиш даражаси, гапировчининг нутқий ижодкорлиги, фойдаланилган тил материалынинг фонетик, грамматик, лексик мезонларга мувофиқ келиш даражасига боғлиқ.

Фикр баёнининг миқдорий кўрсаткичи айтилган фикирлар сонига боғлиқ.

Тинглаб тушинтиришда сифат кўрсаткичлари аудиоматнини умумий, тўлиқ, барча маълумотларни аниқ тушуниш даражаси билан белгиланади.

Тинглаб тушуниш миқдори матн давомийлиги ва тезлиги билан ўлчанади.

Ўқиш жараёнининг сифат кўрсаткичлари:

1. Ўқиб тушуниш кўрсаткичлари (умумий, асосий фикрларни, тўлиқ, таржима орқали ёки таржимасиз тушуниш).
2. Матндаги тил материалы хусусиятлари (таниш ёки қисман таниш материалы мослаштирилган ёки асл нусхадаги матн) билан боғлиқ.

Ўқишда миқдор кўрсаткичлари ўқиш тезлиги ва матн ҳажми билан белгиланади. Юқоридаги талаблар таълимнинг турли босқичларида бир – биридан фарқ қилади. Методикада назорат турлари масаласини ҳал қилиш ҳам муҳимдир.

Методик адабиётларда босқичлар масаласининг таълими

Ўрта умумтаълим мактабининг вазифаси ўқувчиларга умумий маълумот бериш ва уларани юксак ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Тил ўрганиши кишилик жамиятида муҳум соҳаларда ҳисобланади.

Алоқа воситаси бўлими тилни табиий муҳитда (оилада, жамоатчилик орасида) ёки уюшган ҳолда дарсда эгаллаш мумкин.

Чет тилини ўқитилишидан асосий мақсад ўқувчиларни амалий ўргатишдан иборат.

Ўрта умумтаълим мактабида чет тил мажбурий ўқитиладиган ўқув предметларидан ўрин олган.

Босқичларга ажратишда бир тамондан чет тилини ўқитиш хусусияти ҳисобга олинса иккинчи тамондан ўқувлар ёши назарда тутилади.

Ўқувчининг ёш хусусияти рухшуносларнинг назарий ва экспериментал тадқиқотларида атрофлича ишлаб чиқилган.

(Л.С.Вигатский А.Н.Леонтьев Ж.Плаже ва бошқалар асарларида мазкур масала акс эттирилган).

Чет тили ўқитиш жараёнини ташкил қилишда рухшунослик (психология) ва одамшунослик (физиология) илмий манбаларга суяниб иш кўрилади.

Ўқувчиларнинг ёш ва шахс хусусиятларини яни тафаккур хотира диққат фаолият жихатларини ҳисобга олиб ўқитувчи чет тили таълимининг уч босқичга ажратилиши мазкур вазифани бажаришга хизмат қилади.

Тил ўрганишда нутқ фаолиятини эгаллаш босқичларини ҳам назарда тутилади. Эътибор лексик грамматик материал ҳажми ва нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабатига қаратилади. Чет тил,ўрганишининг замини яратилади, кўникма ва малакалар босқичма-босқич ривожлантириб борилади.

1997 йили И.А.Грузинскаянинг¹ китобида ўша давр программаси мазмунига монанд тушган кичик ўрта ва катта босқичлардаги ўқитиш турларига қисқача таъриф берилан эди. 1950 йилдан бошлаб Педагогика фанлар Академиясини ўқитиш методлари институти томонидан ўрта мактабда чет тилини турли босқичларда ўргатиши хусусий методикаси бўйича илк бора қўлланмалар чиқа бошлаган эди. Ушбу қўлланмалар Россия Федерациясидаги ўқитишининг аҳволини ўргатиши натижасида авторлар қўлга киришган катта материал асосида ёзилган. Ушбу ғоя чет тилини турли босқичларда ўқитиш билан боғлиқ ишларнинг аниқ кўринишларини тасвирловчи китобларда ва умумий методикага оид китоб ва қўлланмаларда ўз аксини топган.

Хозирги кунда эса турли ёшдаги ўқувчиларга чет тилини ўргатиши мавзу педагогик институтлар программасидан жой олган чет тилларни ўқитиши методикаси курсига киритилган.

¹И.А.Грузинскаянинг “Методика преподавание ганглийского языка ” М. 1999.

Мактабдаги ўқитиши босқичларининг ҳар қайсиси поганасидаги самарали ўргатиши методикасини яратиши учун, турли ёшдаги ўқувчилар физиологик ва психик ўсиш хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

Ўрганиш объектлари ва иш методикаси етуклик даражасига боғлиқ, турли ёшдаги: кичик ўрта, қолаверса, катта ёшдаги ўқувчи мия тузиши бир хил эмас. Буни рус олими П.Я.Галүперин ҳам, таниқли француз олими Ж.Пиаже бошчилик қилган Женева психологик мактаби вакиллари ҳам тасдиқлайдиллар.

Ж.Пиаженинг эътироф этишига инсон вояга ета бориб, ўсишининг ҳам, физиологик, ҳам психологик бир неча босқичларни босиб ўтади.

Ж.Пиаже экспериментлар тарзда исботлашига катта ёшли мактабгача даврдаги болади ақлий фаолияти шакллансада, ҳали операциялар бўлади.

Мабода, мактабгача ёшдиги болага узун шишадан паст ва кенг ишига суюқликни қуйшини айтсангиз, у суюқлик миқдори каттаиб кетди деб айтади. Ушбу ёшда тафаккур бевоситаси сезиш таъсири остида бўлади. Куриши сатҳи пасайиб кетади ва кўриш таассуротига асосланиб, бола айтади: “Сув озайиб қолди”. Ж.Пиаже фикрига кўра кичик мактаб ёшида бола аниқ операциялар босқичига кўчади.

Ақлий фаолияти тартибли тус ола бошлайди ва юқорида келтирилган вазифаларни хатосиз еча бошлайди.

11 ёшдан кейин бола тафаккури янги босқичга, 15 ёшда якунини топувчи формал операциялар босқичига кўчада.

Ёшдаги бундай фарқлар бир неча олимлар тамонидан илмий кузатилган. Жумладан: Выготский ғоясини давомчиларидан психолог А.Н.Леонүтев эсда сақлашни ривожланишидан ёш хусусиятларини очиб беради. А.Н.Леонүтев олға сурган фаразга кўра эсда сақлаб қолишининг ўсиши умумий қонун ифодасини акс эттирадики, бунда юқорисининг фикатив формаси ривож бевосита ташки эсда сақда қолишдан, бевосита ички эсда сақлаб олиб қолиш линияси бўйлаб боради.

Ушбу фарзнинг (гипотеза) тўғрилигини тасдиқловчи тажрибада 1200 нафар синалувчилар катнашган бўлиб, улар 4-7 ёшлар, 1-6 синф ўқувчилар ва катталар эди. Улар учун ўз тажрибалари ички элементларини эсда сақлаб олиб қолиш материали сифатида жалб этиш мумкин эмас.

Каттароқ ёшдаги синалувчиларда ташқи кўмаксиз эсда сақлаб қолиш самараси бир мунча ортади, яъни катталар учун хос бўлган билвосита эсда сақлаш асосида материалнинг бир қисмини ташқи белгилар асосида эсда сақлаб қолса, қолган қисмини ички белгилар асосида эсда сақлаб қолади.

Ушбу тажриба шуни кўрсатадики, тафаккур фаолиятини таъминловчи ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмлари ўқитиши босқичларида бир хил эмас. Юқорида баён этилганларди чет тилларни ўрганиш билан боғлаш мумкин.

Анчадан буён маълумки, кичкина бола ҳали ақлий фаолияти яхши ривожланмаган бўлсада, нафақат она тилини, шунингдек чет тилини ҳам енгил ўзлаштирадилар. Ўсмир учун тилни ўрганиш машаққатли меҳнатга айланади.

Ақлий фаолиятининг ўсиб боришига қарамасдан ёш улғайши билан тилни ўзлаштириши мураккаблиги орта борада.

Маълумки чет элларда узоқ яшаган катта ёшдагалар кўпинча катта қийинчилик билан чет тилини ўзлаштирадилар. Чет тилларни ўзлаштиридаги ёш болалар қобилияти шундан далолат берадики айна ҳолда чет тилини ўзлаштириши жараёни соф интеллектуал ҳол эмас: болаларнинг ақлий фаолияти ҳали етарли ривожланмаган, демак чет тилини ўзлаштириши бошқа нарсага боғлиқ. Ушбу масалани ҳал этиши учун, нафақат физиология ва психология соҳадагилари изланишларини ҳисобга олиш зарур.

Шунингдек бунда биологик фанлар натижалари, хусусан экология деган фан кўрсаткичларини ёрдам бериши мумкин. Америкалик олимлар фанининг баъзи маълумотларни ҳал этишда, хусусан она тили ва чет тилларни ўзлаштиришда қўллашга интилоқдалар.

Илмий маълумотлардан қуйидаги хулоса келиш мумки, мактабда чет тили ўқитишининг турли босқичларида бирхил методикани қўллаш асло мумкин эмас. Ўқитувчи тубдан ҳархил бўлган ўқувчилар билан иштутади, улар тилни ўзлаштиришида турли механизмларга эга. Уни турли хил методик вазифалари енгизишга тўғри келади.

Мактабдаги чет тилини ўқишини босқичларининг ҳар қайсисидаги методик ёндашишлар хусусиятини нимадан иборат деган саволга қуйидаги жавоб бериш мумкин деб ҳисоблаймиз:

Мактабдаги ўқитиш босқичларининг ҳар қайсисидаги методик ёндашиш хусусиятини ҳал этиш учун, психология, физиология ва биология фанлари маълумотларидан ташқари бошқа бир қатор ҳолатларини ҳисобга олиш зарур. 1) Республикамиз мактабларидаги умумий ўқитишнинг йўналиши. 2) Чет тиллари юзасидан дастур талаблари. Мактабнинг асосий вазифаси – бу мактаб ўқувчисини ҳар тамонлама тарбиялаб ўстириш ва уни бўлғуси фаолиятига тайёрлаш, демак барча ўқув дастурларида ўз аксини топган ўқувчининг интенсив (тез) ўсишини таъмин этиш йўли. Шу билан чет тилида билим асосларини ўзлаштириш дастур талаблари ҳам ва билим ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиш орқали тил материали билан ҳаракат қилиш, ишлаш воситаси боғланган. Тил материали формаси хусусияти тўғрисидаги изоҳларнинг йўқлиги ушбу материални тушиниб етмасдан машқ қилиш шу нарсага олиб келиши мумкинки, ўқувчида тажриба етишмаслиги туфайли ҳатто ўқитишнинг ўрта босқичида ҳам нотўғри тушунчалар шаклланиши мумкин.

Бу нарсанинг барчаси яна бир марта ўқитиш турли босқичларида бир хил методдан фойдаланиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди, қолаверса ўрта ва юқори босқичда материалнинг мазмуни ва формаси ҳамда уларнинг функциялари тўлиқ аниқланиши зарур.

Юқорида айтилганлардан чет тилини турли босқичларида ўқитиш методикаси хусусида қуйидаги хулосага келиш мумкин: ***чет тилини ўқитиш давридан бошлаб, ўқувчи анча мураккаб вазифалари ҳал этишига***

таёрланган бўлади: шу билан бир қатор ўрганишига бўлган ўткир қобилитини йўқотмаган.

Ушбу ёшдаги болаларга берилган намуна бўйича ақлий тақлид этиш қобилияти ривожланганки, бу аналогия бўйича иш олиб бориш ўринли эканлиги кўрсатади.

Лекин намуналарга қараб тақлид этиш грамматик изоҳларсиз ва қоидаларсиз ўзини оқлаб ололмагандек, баён этилган материал, фаолияти воситаси кўрсатилган ўта узун ва қўлиқармалли ҳудди шундай.

Чет тилини ўрганишда ўрта ва катта ёшли ўқувчилар тилни ўзлаштиришда энди кичик мактаб ёшидагидекушбу фанни ўқитиш бошланғич босқичларидек ўткир зехинга моён этмайдилар.

Ўзлаштириш жараёни асосан интеллектуал ҳарактер касб эта бошлайди, синф охирларида ўқувчилар олдин ўзлаштирилган билимлар асосида янги билимлар олади.

Исбот этилганига кўра ўқувчиларни 11 ёшдан кейинги тафаккури янги босқич- формал операциялар босқичига кўчади ва ўқувчилар схемалардан фойдалана биладилар. Материалларни анализ қилиш ва умумлаштира оладилар. Мактаб ўқувчисига ўқув фаолиятини бажариш учун тахминий асослардан фойдаланишни билиши зарур.

Ушбу босқичда тилни ўзлаштиришни асосий йўли – бу П.Я.Гальперин назариясида таклиф этилган ва ишлаб чиқилган тилни онгли ўзлаштириши орқали тушуниб етмаган нарсалар томон бориш йўлидир.

Барча янги ҳодисалар синфда ўқитувчи изоҳи ёрдамида ёки маълумотномани справочниклар билан мустақил ишлаш жараёнида тушунтиралади. Маълум қоида ёки берилган материал билан ишлаш воситаси берилиши зарур.

Ўрта босқичда ўқувчи фақатгина конкрет (аниқ) ўй юритиб қолмасдан, шунингдек абстракт (мавҳум) ўй визуал ёки вербалӣ ситуациялар ёрдамида ўрганиши тил материалларини танлаш ва шакллантириши ҳамда олдиндан

ўзлаштирилган фаолияти воситалари бўйича нутқий наъмуналар тузиши мумкин.

Энди ўқувчилар формал операциялар механизмига эга бўлганлиги учун,ўрганган материал ҳажми доирасида монологик формада ўз фикрларини мантиқий фикр билан баён эта оладиларва тинглаш ҳамда ўқиш жараёнида мазмун боғланишларини осон ўзлатишлари мумкин. Ўсмир болаларга нисбаттан катта ёшдан мактаб ўқувчиларини мантиқий тафаккури анча ривожланган ва улар фанлар (предмет) ҳамда мавҳум тушунчалар системасини эгаллашлари ҳамда умимлаштиришлари мумкин.Шунинг учунуларнингбилимлари учун уларга назарий билимлар зарур.Бутун маълумотлар ўқитувчи томонидан берилиши мумкин ёки ўқувчилар томонидан маълумотнома ёки луғат устида мустақил ишлаш жараёнида ўзлаштирилиши мумкин.

Ўқув юртларида чет тилларни ўқишини жараёнини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш зарур. Уни тўғри ташкил қилиши олдимизга қўйилган мақсад, вазифани ҳал қилишда ёрдам беради.

Буни амалга ошириш ўқитувчининг билимига,малака,кўникма, маҳоратига, воситаларнинг борлигига, уларни яхши билиши билан боғлиқдир.

Дастур талабини бажаришда ҳам ўқитиши жараёнини тўғри,ташкил этши етакчи омилдир. Ўқитиш жараёни тушунчаси қамровига ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ҳамда ушбу жараёнининг ташкилий шакллари киради. Таълимшуносликда бу жараён ўқув йили,ўқув чораги,дарс, машғулот номлари билан аталган.

Дарс деганда, ўқув фаолиятининг айрим,бир бўлаги тушунилади. Сўзлашув тилида машғулот,сабоқ деб ҳам юритилади.Машғулот атамаси эса машқ сўзи билан бир ўзаклидир. Машқлар бажариш машғулотини ташкил этади.Чет тили дарси машғулотини машқлар мажмуидан иборатдир. Чет тил ўқув предмети дарсда ва дарсдан ташкари,машғулотларда ўрганилади. Дарс мажбурий машғулот сифатида қонунаняратилган.

Чет тил дарси атамасини эшитганда ва ўрганганда, унинг мақсади, турлари, босқичлари ва дарс режаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Синифда ўқувчилар сони кўп бўлса, иккига бўлиб ўқитилади. Мажбурий курс. 2-босқич орқали амалга оширишлари 1- босқич; 1 – 4 синфлар 2- босқич; қолган барча 5 -9 синфлар.

Ўқувчиларни босқичларга бўлишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Ҳар бир босқичнинг хусусияти:
2. Ўқувчиларнинг ёши психологик хусусиятлари:
3. Ўқувчиларнинг ишлаш фаолиятлари:
4. Нутқ фаолиятининг механизмларининг шаклланиши:

Ҳар бир босқичда ишлатиладиган метод, усуллар ҳисобга олинган, чет тили мажбурий курсини ташкил қилиши жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тил материалларини ўзлаштириш яъни ёдда сақлаш;
2. Малака кўникмаларини ҳосил қилиш;

Ўқувчи ўрганиш жараёнида:

1. Материални қабул қилади, тушунади.
2. Ёдда сақлашга ҳаракат қилади.
3. Маълумот алмашиш (коммуникация) узун материални оғзаки, ёзма, қўллай олишга ўрганади:

Ўқитувчи эса:

1. Тил материали устида ишлайдигани:
 - а) материални тақдим қилади
 - б) Янги ўтилган материални ўқувчилар тушунганликларининг гувоҳи бўлади.
2. Малака кўникмалар ҳосил қилади:
3. Ўқувчиларнинг талаффуздан грамматикадан ва лексикадан, оғзаки нутқдан ўқишдан, ёзувдан бўлган билимлари ва малака кўникмаларини текширади.

Юқоридагилардан, чет тил ўқув предметининг мажбурий курси методик жиҳатдан турлича даврлаштириб келинганлиги, турли олимлар ва методистлар, шу жумладан Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, Ж.Пиаже, И.А.Грузинская, А.А.Миролуобов, Е.И.Пассов, Ж.Жалолов, Ў.Ҳошимовларнинг фикрмулохозаларини ҳисобга олиб чет тил ўқитишини ташкил этишда анъанавий уч босқич; (I– IV, V – IX ва АЛ, КХК) бошланғич, ўрта ва юқори босқичларга бўлинади.

Шу билан бир пайтда, чет тилда нутқ малакаларини ҳосил қилиш давринишартли икки босқичга амалга оширилади деган хулосага келамиз.

1.2. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг чет тили дarsi ва улардагиназораттурлари.

Диалогикнутқни текшириш усуллари, саволларга жавоб қайтариш ва мавзу(ва расм)га оид саволларни бериш, ўқув материалигадоир диалогикнутқ юритиш: ўқувчилар биладиган ҳикоянинг ролларига кириб жуфт нутқ бажариш ўқитишдагиинтерфаол усуллардан ҳисобланади.

Ўқишни текшириш усуллари: овоз чиқариб матндан парча ўқиш; ўқитувчи саволига матндан жавоб топиш; фалон масала ҳақида фикр юритлган жойни матндан топиш; муаллаим фикрини тасдиқловчи ёки рад этувчи гаплар (абзац) ни матндан топиш; график матнларга қўйилган саволларга жавоб қайтариш; матн мазмунига саволлар қўйиш; ўқилган матнга оид режа тузиш; ўқилган матн мазмунини (чет тил ёки она тилда) айтиб бериш.

Нутқ машиқлари бажариш чоғида ўқувчилар эътибори мазмунга қаратилади. Гапириш мобайнида лисоний ҳатоларни тўғрилаш номақбулдир, чунки фикр бўлинади. Ўқитувчи ўз дафтарига ўқувчилар хатосини ёзиб боради, нутқ машиқи тугади дегунча, тегишли саволлар бериб кўради. Мабодо ҳато эътиборсизлик оқибатида юз берган бўлса, ўқувчи тўғрилаб айтганидан маълум бўлади. Зотан ҳатолар кўникма пухта шакилланмаганлигидан бўлса, ўқитувчи тузатади, ўқувчи тақлидан тўғрилаб айтади. Муаян ҳато

кўпчиликка талукли бўлса, шу ёки навбтдаги дарсда уни бартараф қилишга махсус вақт ажратилади.

Назарий тадқиқотлар ва мактаб тажрибаси кўрсатишича, синфда бажариладиган нутқ машқлари жараёнида ўқувчиларни “назоратчи” этиб тайинлаш, яъни ўртоқларини камчиликларини топишни буюриш ғайриметодик тадбир бўлиб чиқади. Гап шундаки, “ҳато ахтариш”га йўллашнинг ўзи одоб – ахлоқга зид иш, қолаверса, ўртоғи гапирганда нутқ мазмунига диққат берилади, “ҳато ови”га шайланса, мазмунни четлаб ўтади, муддао ўзгаради. Улардан ташқари, ҳатони ўта эътибор билан идрок этилса, ўқувчи онгида унинг тамғаланиши муқаррар. Қисқаси, нутқ малакаларининг назорати чоғида эгаланадиган мазмуний марралар аниқланади, очилган оммавий нуқсонлар ўқитувчи назаридан четга қолмаслиги шарт. Ҳар қадамда танбеҳ бериш одам боласини бездиради, гап тасир этмайдиган қилиб қўяди, оқибатда ҳатони (ҳатто жиноятни) писанд қилмасликка олиб келади. Нутқ инсон фаолияти экан, у ҳатосиз бўлмайди (тадбир жоиз бўлса, доно ҳалқимиз “*беайиб (яъни “беҳато” – Ж. Ж.) – парвардигор*” дейди). Демак, *ҳатосиз банда (одам) йўқ*. Методикада шундай қоида борки, ўқитувчи ўқувчилар ҳатолари билан курашмасдан, аввало уларнинг пайдо бўлиши сабабларини қидиради. Хуллас, тил машқларини атайлаб бажариш орқали ҳатолар тузатилади. Бу эса алоҳида вақт ва куч сарфлашни талаб этади.

Назорат турлари. Чет тил ўргатишда ўқувчилар нутқий кўникма ва малакаларни текшириш турлари бизга маълум: *доимий, мавзуй, даврий, якуний назорат*.

Доимий назорат амалиётда кенг тарқалган ва энг самарали, ўқитувчи ҳар куни қўллайдиган, юқорида такидланганидек, тузатув вазифасини ўташга қаратилган назорат туридир. Ҳар дарсда ўргатиш ва назорат қилиш таълимнинг узвий қисмлари тарзида намоён бўлади.

Мавзуй назорат дейилганда, чет тил ўқитишда мавзу ёки дарслик параграфи (машғулотлар мажмуи) ўтиб бўлинганда, уни умумлаштириш,

такрорлаш, мустаҳкамлаш жараёнларида текшириш саналади. Маълумки, чет тил материали (дастлабки бир неча мағулотни ҳисобга олинмаганда) муаян мавзуда методик ташкил қилинади. Бир мавзуга бир ёки бир неча параграф бағишланади. Одатда мавзу текшируви параграфнинг охириги дарсида ўтказилади. Кундалик (доимий) текширув натижаларига қараб, унга оз – кўп вақт сарифланади. Қийинчиликлар йиғилиб қолганда, текшириш машқлари кўпроқ ва улгуриш қоникарли бўлса, камроқ бажарилади.

Даврий назорат қилиш чорак ёки ярим йилга тўғри келади. Ўз – ўзидан маълумки, даврий текширувда ҳажм жиҳатдан кўп материал қамраб олинади. Мазкур назорат синфдаги ўқувчиларнинг умумий улгуриш савясини намоиш этади. Демак, ўқув йилнинг даврлари охирида якун ясалиши учун ушбу текшириш тури қўл келади. Дарсликда даврий назоратга мўлжалланган машқлар берилмаслиги табиий ҳолдир, чунки йўл қўйиладиган ҳато ёки пайдо бўладиган қийинчиликлар кундалик дарс машқларида ҳисобга олинади холос. Бинобарин, даврий текширув машқларини ўқитувчи тайёрлайди ва ўтказди. Бунинг учун ўтган давр ичида ёки ҳозиргача ўрганилган барча тил материали орасидан пухта ўзлаштирилмаганлари такрорлашга берилади, кейинги дарсда назорат ўтказилади. Шундай қилинганда, хатонинг олди олинади.

Якуний назорат ўтказиш одатда ўқув йили охирига тўғри келади. Якуний текшириш турли шаклда, жумладан ***имтиҳон (жорий ёки битириш имтиҳони)*** тарзида ўтказилади. Қоидага биноан якуний назорат мазмуни ва шакли маълум ҳужжатга кўра ва Халқ таълими вазирлиги тайёрлаган материал асосида ўтказилади.

Назоратбилетига нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш малакалари) бўйича саволлар киритилади.

“Чет тил ўқитиш” атамаси чет тилда нутқни ўргатиш маъносини билдиради. Тил деганда муаян жамоа онгида ўрин олган белгилар воситалари ва уларнинг қўланилиши тушунтирилади. Тил воситалари ёрдамида фикирни баён этиш бир мунча қийин кечади.

Чункиушбу жараёнда бир йўла икки хил нутқий дастурни бажаришга тўғри келади: бири таффакурга оид иккинчиси тил бирликларини қўллашдир.

Ундан ташқари диолог (жуфт нутқ) ва монолог (якка нутқ) хусусиятларида кескин тафовутлар сезилади. Ўқувчининг ҳаракати лексика, грамматика ва талаффузни эгаллашга йўналтирилади. Якканутукда мураккаб синтактик валелексик шакллар ишлатилади. Улар кўпинча ёзма нутқ материалига яхши туради. Жуфтнутукда қискартирилган бирликлар тилнинг барча ходисаларга тааллуқли бўлади.

Бу нутукнинг эркинлигидан даломат беради. Жуфтнутукнинг асосини турли репликалар ташкил этади. Репликалар гапиришига ундовчи ва жавоб жумлаларидан иборат бўлади. Репликалар бирикувидан диалогик бирлик ҳосил қилинади.

Жуфтнутукнинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат;

1). Ажралмас икки реплика (диалогик бирлик)нинг нутқий вазиятга мос келиши;

2). Жуфтнутук – фақат савол – жавоб эмас, балки турли репликаларнинг алмашиши натижасидир.

3). Диалогик бирликда эллипс ва қисқартмаларининг ўз ўрнида қўлланилиши.

4). Суҳбатдошнинг репликаси шеригиники билан бевосита боғланиши.

Ундов репликани аввал тушуниб, сўнгга жавоб репликаси айтилади.

Жуфтнутукда икки ва ундан ортиқ шериклар тингловчи ёки гапирувчи сифатида навбатма – навбат ахборат алмашадилар.

Жуфтнутукни олдиндан таёрлаш имконияти йўқ.. Нутқ жараёнида турли – туман фикрлар алмашинада. Якканутук ҳам ўзига ҳос белгилар билан фарқланади:

1). нисбатан узликсиз давом этади, бирдан ортиқ жумла айтилади, фикр боғланган ҳолда баён қилинади.

2). Мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган ғоялар, таянч жумлалар воситасида аста – секин ривожлантириб борилади.

3). Фикр – мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланади.

Якканутқ бир киши нутқбўлиб, кетма – кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади, нутқ оҳангги ва мазмуни жиҳатидан қўйилган мақсад сари йўналтирилади.

Якканутқ операциялари тушунчаси қуйидагилардан иборат:

1). Нима ҳақида гапириши аниқланади (масалан: предметлар тасвири, нарсанинг номи, ранги, турган жойи, кабилар гапирилади), предметга муносабат билдириш – ёқиш ёки ёқмаслиги, яхши, ёмонлиги, синф, мактаб, уй ҳақида гапириш, ўқилган ёки тингланган матн мазмунини гапириши, расмни тасвирлаб бериш.

2). Ўзлаштирилган тил ходисаларининг хотирадан кераклисини танлаб ишлатишига ҳаракат қилинади.

3). Мўлжалга кўра (нутқ) фикрни ташқи нутқда айтиш.

Ўқувчи тинглаб – тушуниш жараёнида қуйидагилар ўргатилади;

Сўз ва сўз бирикмаларининг шаклини ва грамматик структураларини фарқлаб олиш, жумлани тинглаб, олдиндан фаҳмлаб олиш, эшитиш хотираси ҳажмини ўстириш, ўрганилган тил материални турли бирикмаларда тушуна олиш, техникавий воситаларга ёзилган нутқни тушуниши, бир марта айтилган фикрни фаҳмлаш.

Турли таълим босқичларида мазкур ишларнинг ўрни ва бажариши хусусияти ҳар – хил тартибда бўлади. Ундан ташқари эркак ва аёл овозини эшитиш, ёш ва қарилар нутқини тинглаш, сўзловчини кўриб ва кўрмасдан тинглаш, кабиларни амалга қўллаш тавсия этилади.

Тинглаб – тушунишни ўргатиш бўйича турли йўналишлар амалиётда қўлланиб тил материални, кейин нутқ фаолиятини ўргатишдир. Бу методик ғояга биноан сўз, сўз бирикмаси, гапларни билиб олишини машқ қилиб, сўнгра ўқувчилар диққати ўрганилган материалнинг мазмун тамонига тортилади.

Ушбу йўл билан тинглаб –тушунишга ўргатишсамараси пастбўлади, унда ортиқча вақт сарфланади,шунинг учун ортиқча вақт сарфланади,шунинг учун уни энг макбул методик усул деб топилмайди.

Ўқитувчилар қўллайдиган иккинчи йўналишга кўра, тинглаб – тушуниш нутқ малакаларини шакиллантириш билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб берилади.

Гапириши,ўқиш ва ёзувни ўргатиш жараёнида ўқувчилар тинглаб – тушуниши билан бир пайтда тил материални ўргатишга ҳам эътибор бериб борилади. Ушбу методик усул самаралироқдир.

Маълумки, гапириши ва тинглаб тушуниши жараёни узвий боғланган тамонларидир.Уларда ишлатиладиган лексик ва грамматик ҳодислар умумийдир.

Ўқишга ўргатиш жараёнида эса қўйидагиларга эътибор берилмоғи лозим:

1) Ўқишга ўргатишни нутқ фаолияти ва туруни ўргатиши деб қаралиши лозим. Ушбу қондани инобатга олиб иш юритганда, тўғри йўлланма берилади.

Ўқувчиларга матинни ўқиб, ахборот олишни машқ қилдириш бирламчи якуний мақсад амалга тадбиқ этилиши керак. Бунга нутқий амалларни бажариш билангина эришилади.

2) Ўқишбилим жараёни сифатида ташкил этилади.

Фақат амалий фаолияти кўрсатиш билан чегараланмасдан,матн ўқувчи билишга, янги маълумот ўрганишга ҳам ҳаракати қилади. Ахборот олиш – билиш фаолиятини юритишдир.

3) Ўқиш мобайнида тил тажрибасининг имкон борица ишга туширилиши талаб этилади.

4) Тил структурасидан етарлича хабардор бўлишини тақозо этади.

5) Ўқишга ўргатиш чоғида рецептивдан ташқари репродуктив нутқ билан ҳам шуғилланиши назарда тутилади.

Тилшунослик тадқиқотларига биноан график тизимдаги белгилар турли информатив вазифаларни ўтайди. Графемаларнинг сифати жиҳатидан қуйидаги тоифалари бор:

- 1). Сегментга оид графема (ҳарф бирикмаси)
- 2). Морфемали графема (ўзак, қўшимча, олд қўшимча, флексия)
- 3). Чегарадаги графема (сўзини бирикиши оралиғида).
- 4). Суперсегмент графема (тиниш белгилари кабилар)

Товуш – ҳарф муносабатига эътибор қаратсак, инглиз, испан, немис, француз, тиллари, товуш ҳарф боғланиши ўқувчилар она тилидагидан фарқ қилиш ҳолларига дуч келамиз:

1). Товуш билан ҳарф миқдорининг мос келмаслиги (чет тилида бир товушга иккита, учта ҳарф тўғри келади).

2). Ҳарифнинг турлича ўқилишига чет тилдаги ундан (масалан с ўрнига қараб ҳар – хил товушни ифодалайди).

3). Ҳарфларнинг бир нечаси битта товушни ифодалаши (масалан =к= товушни с,к,д, ҳарфлари орқали ифодалашини белгилаши).

4). Баъзи ҳарфлари француз тилида ўқилмайди (масалан, “h”)

Товуш – ҳарф муносабати юзасидан вужудга келадиган қийинчиликлар олдини олиш учун, ўзига хос машқлар бажариши тавсия этилади. Хусниҳатни ўрганишида ўқувчилар она тилидаги тажрибаларидан самарали фойдаланишади мумкин. Тажрибадан маълумки, мактаб ўқувчилари нутқ фаолиятининг тўрттала асосий турини ўрганадилар.

Таълимнинг дастлабки босқичида оғзаки нутқнинг илгарлашиш тамойилига мувофиқ иш тутилади. Лексик ёки грамматик бирлик олдин оғзаки, сўнг ёзма ўзлаштирилади.

Таълим босқичи ва тамойилларига биноан умумтаълимий мактаб шил минимусига кирган барча ҳодисалар нутқ фаолияти турларида қуйидаги шаройитларда ўргатилади;

1). Гапиришда иштирок этадиган тил материали, бошқа барча нутқ фаолияти турларида ҳам ўрганилади.

Улар актив лексика ва грамматика номи билан юритиладиган тил материаларидир.

II. Тинглаб тушунишида ўзлаштирилладиган тил материали олти тоифага бўлинади;

1. Ўрганилаётган тил материали бошқа нутқ фаолияти турларида иштирок этмайди. Гапиришидан кейинроқ ишлатилади, ёзув ва ўқишда яна ҳам кейинроқ, бироқ шу ўқув йилида ўрганилади.

2. Тинглаб тушуниши учун берилган тил материал гапиришида ҳам айтилади, ёзув ва ўқишда кейинги дарсларда қўлланилади.

3. Тинглаб тушунишида ва гапиришида қўлландиган бирлик, ёзув ва ўқишда бир неча синфдан кейин иштирок этади.

4. Тинглаб тушунишда ўзлаштирилган бирлик, шу дарснинг ўзида гапириши материали ҳисобланиб, кейинги ўқув йилида ёзилади ва ўқилади.

5. Тинглаб тушунишда ўтилган материал чет тил ўқитиши мактаб курсида бошқа нутқ фаолияти турларига киритилмайди.

6. Аудиотекстда учрайдиган материал шу дарснинг ўзига (биринчи ўқув йилидан ташқари) қолган учала нутқ фаолияти турида ҳам ишлатилади.

Ўқишда ўрганиладиган тил материали олти тоифани ташкил қилади:

1. Репродуктив нутққа умуман киритилмайди (тинглаб тушунишда қўлланилади)

2. Ўқишдан бошқа бирорта нутқ фаолияти турига киритилмайди (ўқувчилар луғат бойлигига кирмайдиган “новакабуляр –вокабулярдан ташқари лексика”).

3. График текстдаги мазмуни шакиллантириши учун зарур сўзлар, кейинги дарсларда янги сўз сифатида яна қайтадан ўрганилади.

4. Тақлид йўли билан ўрганиладиган шеър ва ашуланинг оғзаки нутқи, ёки ёзувга киритилмайди.

5. Ўқиш техникаси машқларга кирган янги сўзлар, нутқ фаолияти турларида қўлландиган махсус янги материал сифатида ўргатилади.

6. Ўқишдан кейин тинглаш ва гапиришда машқ қилинадиган сўзлар ёзувда машқ қилинмайди.

Ёзма фикр баён этиши учун алоҳида тил материали берилмайди, чунки, ёзув чет тил ўқитиш мақсади эмас, у таълим воситасидир. Оғзаки нутқда ўрганиладиган тил бирликларининг бир қисмигина ёзувда машқ қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, тил материали нутқ фаолияти турларида чегараланиб ишлатилишдан ташқари ҳар бир тил бирлигининг қўлланиши, маъноси ва шакли, ҳатто шаклнинг товуш ва график томонлари ҳам ажратилган ҳолда, турли дарсларда ўзлаштирилиши мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни чет тил дарсини ташкил қилишда психологик асослари. Нутқнинг қатор хусусиятлар борасида куйидагиларни баён этиш лозимдир. Гапириш жараён бўлганлигидан, энг аввало, унда фикр баён этишга мойиллик кўзгаташланади. Гапириш майли ички ва ташқи турткилар заминидан пайдо бўлади. Шу мақсадда ўқув нутқий вазиятларини танлаш ва яратишининг аҳамияти каттадир. Ўқув нутқий вазият одатда табиий ва сунъий бўлади. Ўқув нутқий вазият яратган чоғида визуал ва вербал таянчлар қўл келади.

Амалдаги ўқув нутқий вазият (яратиш чоғида) нутқ мавзуси доирасида ва мавзуларо ҳолда мавзуга деярли боғланмаган бўлиши мумкин. Ўқув нутқий вазиятни ўқувчиларга тавсия этишни турлича йўллари мавжуд;

Сўз билан тасвирлаб бериш (вербал вазияти), кўрсатмали воситани намойиш этиш (визуал вазият), матнни теъатрлаштирилган вазиятга айлантириш (инценировка қилиш) ва табиий ҳолатни қўллаш (реал вазият).

Нутқ доимо тинловчига қаратилади, аудиторияга мўлжалланади. Ким биландир фикирлашиш, кимгадир нималарнидир исботлаш, уларни ишонтириш, улардан илтимос қилиш кабилар гапириш чоғида амалга оширилади.

Нутқ ҳамиша вазиятга боғлиқ бўлади. Гапираётганда ўқув нутқий вазиятни акс эттиришга интилиш, уни тасаввур этиб фикр айтиш, мактаб

ҳаётида қабул қилинган анъаналардандир. Вазиятга боғлиқлик оғзаки нутқнинг билдириш, ўз ҳис – туйғуларини ифодалаш, яна бир белги ҳисобланади.

Нутқ мазмуни гапирувчининг ҳолати фикр – мулоҳозаси, ҳаётини тарзи қабилаарга мос тушиши керак. Гапиришга қўйиладиган талабларнинг миқдори ва сифати кўрсаткичлари ўқув дастурида келтирилади.

Унда ўқувчининг ҳар бир синфдамавзу ва вазиятлар бўйича нечтадан репликаолиши кўрсатилади.

1. Гапириши учун, аввало муайян шарт – шароит яратилади;
2. Гапиришига ундаш мақсадида ўқитувчининг мавзу ёки ўқув нутқий вазият таклиф этиши;
3. Ўқувчининг нимани гапиришига оид нутқ объектига эга бўлиши;
4. Фикрлаш ва фахмлашга оид нутқ объектига ўқувчи муносабатини шакиллантириш;
5. Фикрни изҳор этишдан кўзланадиган мақсади аниқлаш;
6. Фикр ва ҳис – туйғуларни ифодалаш воситасининг шакилланганлиги.

Хуллас гапиришда мойиллик тинловчига мўлжалланганлик, вазияти ва ҳис – туйғуни ифодаловчи хусусиятлар намоён бўлади. Нутқ механизм эшитиши хотираси механизми билан чамбарчас боғлиқдир.

Идрок қилиш чоғида нутқий парчани ёдда сақлаш аудиотекстни тушина олиш имконини яратади. Ичида гапирш механизми фаолиятига кўра аудиотекстни идрок этиш пайтида нутқ ҳаракатанализаториниқўллайдди.

Олдиндан фахмлаш механизми ишга тушганда аудиотекстнинг тузилиши (жумлалар ёки сўзлар ҳажми)ни ёки унинг мазмунини олдиндан билиб олиш имконияти яратилади. Мия фаолиятининг аналитик – синтетик амалга асосида ва бошқа имкониятлар доирасида англаш, яъни мантиқан тушуниши рўйберади. Мазкур механизмларни шакл топтириш оқибатида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш малакаси ҳосил қилинади

Тинглаб – тушуниш малакаси чет тилида зарурий машқларни бажариш туфайлигина шаклланади ва ривожланади. Рецептив нутқ фаолияти

хисобланган ўқишни ўргатишидаги таълимий вазифалардан бири учун психофизиологик механизмларини шакллантиришдир.

Тинглашга оид фикр – мулохазалар ўқишга ҳам маълум даражада таалукли, чунки иккаласи ҳам рецепциядир.

Шуниси борки, бир хил механизми тинглаш ва ўқишда фаркли қўлланади, чунки нутқ, кўриш (графиктекст) ёки эшитиш (аудиотекст) орқали идрок этилади. Олдиндан фаҳмлаш механизми ўқишда энг муҳими саналади. Бунда структурани олдиндан фаҳмлаш назарда тутилади.

Ўқишда амал қилинадиган таълимий фаҳмлаш механизми ҳам катта ўрин тутади. Чунки хотирада язши сақланмаган ёки биринчи марта учраётган луғатнинг маъносини билиши керак бўлади.

Рухшиносликдан фаолият назарияси бўйича ёзув, фикрни шакллантириши ва ифодалаш усулидир. Бунда тил белгилари қўлланади.

Ёзув рухшунослар таъбирича, алфавитдаги тўғри тасвирни (харфий тимсолни) тушириш, яъни маъносини, унинг товуш, график (харфий) ва ҳаракат тимсоллари билан фикран боғлаб товуш ва товуш бирикмаларини ҳарф ва ҳарф бирикмаларига “ўтказиш” демакдир.

Иккинчидан сўз ва сўз бирикмаси, тиниш белгиларни тўғри имло асосида ёзиш керак.

Учинчидан ёзма шаклда фикр изҳор қила олиш керак.

Демак ёзувни ўргатишда товуш, ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац ва ёзма ахборот устида иш олиб борилади. Ёзув мураккаб психофизиологик фаолияти бўлиб, унда нутқанализаторларининг ҳаммаси иштирок этади.

Тил ўрганишда қийин фаолияти бўлганлиги сабаби, унинг психологик асослари мавжуд. Илмий манбаларда чет тил ўқитишининг икки хил тамойили ишлаб чиқилган. Психологик асослар: **вербализация** ва **корреляция** номларини олган. Чет тил ўқитишининг тамойиллардан вербализациянинг маъно доирасига қуйдагилар киради:

Ўзга тилга амалда фақат оғзаки нутқ орқали ўрганилади, яъни оғзаки нутқ таълим мақсади бўлсагина бегона тилини ўзлаштиришга йўл очилади. Шундай қилиб, нутқ ўргатишини тақозо этади.

Психологик тамойилининг иккинчиси корреляциялар. Корреляция тамойилида чет тил материали (лексика, грамматикава, талаффуз)нинг муайян чегараси аниқланади, нутқ малакасини ҳосил қилиш учун, мўлжалланган тил бирикмалари мажмуаси шаклланади.

Ёзувда маъно, товуш тимсоли ҳисобланади. Маълумки маъно ва товуш тимсоли гапиришда амал қилади, ёзувда уларга ҳарфий тимсол қўшилади.

Келтирилган илмий мулҳозаларга асосланиб, аввал оғзаки, кейин ёзма нутқ ўргатилади, ёзувда график текст яратилади.

II. Умумий ўрта таълим мактабларининг немис тили дарсларида ўқиш ва гапириш кўникмаларини ривожлантириш.

2.1. Ўқувчилар билимини назорат қилиш шакллари

Гапиришни назорат қилиш шакллари: оғзаки фикр баён этиш малакалари оғзаки шаклда текширилади. Унда ўқувчининг чет тилда фикр билдиришга ҳаракати (ўз – ўзидан гапириб кетиши), нутқда қўлланмиш материалнинг ўзлаштирилган даражаси (гапириш тезлиги), тўхтаб /тўхтамай гапириши, нутқ вазиятига мувофиқ/нормувофиқ фикр баён этиши кабилар назорат қилинади. Нутқ мазмунини қисман ёзма шаклда текшириш ҳам мумкин. Баъзи методистлар гапириш малакаларини текшириш учун ёзма машқлар беришга қарши чиқадиладар. Бу илмий фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки одатда ёзма ишлар оғзаки ўрганилган тил материали заминидан ажратилади.

Демак, гапириш малакасини ўстиришга кўмаклашувчи ёзма машқ, ушбу малакани текширишга ҳам жалб этилиши табиийдир. Оғзаки фикр баён қилинаётганда йўл қўйладиган хато ва камчиликларни рўйхатга олиш анча мушкул ишдир. Бинобарин, ишни осонлаштириш мақсадида техник воситалар ёрдамида ўқувчи нутқни ёзиб олиши мумкин.

Гапириш малакаларини яқка, ялпи, шунингдек гуруҳий текшириш жорий этилган. Ёппасига оғзаки текшириш доимий назорат чоғида қулайлик туғдиради. Ёппасига текшириш ўқитувчи раҳбарлигида ўтади ва синф ёки гуруҳнинг умумий улгуришини аниқлашда маъқул келади. Гуруҳий назорат ёппасига текширишнинг бир кўриниши сифатида ифода қилинади.

